

СМТИ директори: Марказий Осиёнинг идеал модели – бу ички низолар ва қарама-қаршиликлардан холи бирлашган ва яхлит минтақа



“Марказий Осиё-2030: келажак қиёфаси” экспертлар учрашувида Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти (СМТИ) директори Элдор Арипов Марказий Осиё келажаги ҳақида ўз қарашлари билан ўртоқлашди.

Биз 2030 йилда қандай Марказий Осиёни кўришни хоҳлаймиз, деган савол ниҳоятда муҳим. Бу масала бўйича ёндашувларимизни келишиб олмасак, биз олдинга силжий олмаймиз.

Марказий Осиёнинг идеал модели – бу ички низолар ва қарама-қаршиликлардан холи, умумий манфаатлар ва устуворликлар билан бирлаштирилган, ҳамма учун умумий қадриятлар ва анъаналарга асосланган мустаҳкам ва яхлит минтақадир.

Биз интилишимиз керак бўлган асосий нарса минтақавий ҳамкорлик жараёнларини, жумладан, чегара масалаларини ҳал этишда ҳамон тўсқинлик қилаётган мавжуд фундаментал келишмовчиликларни бартараф этишдир. Чегаралар бизни ажратиши эмас, бирлаштириши керак.

Ўзбекистон Президенти “Чегараларимиз доимо дўстлик ва яхши қўшничилик ҳудуди бўлган ва шундай бўлиб қолади”, деб бир неча бор таъкидлаган.

Шунинг учун, барча келишмовчиликларга қарамай, ўзаро мақбул мурасага эришиш муҳимдир. Бу нафақат бир-бири билан чегарадош аниқ икки давлат, балки бутун минтақа учун муҳим.

Идеал моделнинг иккинчи элементи ўз ихтиёрида мулоқот ва ҳамкорлик учун барча зарур

платформа ва механизмларга эга бўлган Марказий Осиё бўлиши керак.

Агар барчани қизиқтирган аниқ соҳаларда – иқтисодиёт ва савдодан тортиб, таълим ва маданиятгача бўлган ўзаро ҳамкорлик механизмлари ишламаса, минтақавий ҳамкорлик тўлиқ ишламайди.

Марказий Осиёнинг 2030 йилдаги идеал моделининг учинчи элементи – бу аслида асосий, таянч тузилмага айланиши керак бўлган минтақавий ўзига хосликдир.

Президент Шавкат Мирзиёев Чўлпон-Ота шаҳрида бўлиб ўтган минтақа давлатлари раҳбарларининг IV Маслаҳат учрашувида “Маданият, таълим, спорт ва туризм соҳасида ҳамкорлик дастурларини амалга ошириш бўйича ишларни кучайтириш, шунингдек, умумий тарихимизни чуқур ўрганиш”ни таклиф қилди.

Бизнинг мақсадимиз нафақат умумий манфаатларга, балки барча умумий қадриятлар ва анъаналарга асосланган барқарор ва кўп босқичли алоқалар моделини яратиш бўлиши керак.

Ҳар биримиз ўзимизни нафақат ўз юртининг, балки бутун минтақамизнинг вакили сифатида ҳис қилишимиз, умумий маданий-тарихий меросимиз билан фахрланишимиз керак.

Маълумот учун: Жорий йилнинг 20 январь куни Остона шаҳрида “Марказий Осиё-2030: келажак қиёфаси” экспертлар учрашуви бўлиб ўтмоқда.

Унда Марказий Осиё давлатлари Президентлари ҳузуридаги стратегик тадқиқотлар институтлари раҳбарлари, шунингдек, минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари бўйича экспертлар, Қозоғистон Республикаси давлат органлари вакиллари иштирок этмоқда.

Манба